



THE SIGNIFICANCE OF

BUKHARA IN THE ISLAMIC

CIVILIZATION

INTERNATIONAL SCIENTIFIC -

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

28-29 May, 2020

Bukhara

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА
КАФЕДРАСИ**

**“БУХОРОНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ ВА
УНГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ”**

мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуман (видеоконференция)

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

28-29-МАЙ 2020 ЙИЛ

БУХОРО, 2020 йил

оширишга қаратилган маълумотларни етарли даражада беришмас эди¹.

Мовароуннахр қозилик маҳкамаларидаги ишлардан яна бири Х-ХІІІ асрларда Мовароуннахр марказий шаҳарлари Бухоро ва Самарқандда ўз ажали билан ўлган кишини дафн этишда у қайси динда бўлишдан қатъий назар икки киши унинг ажали билан ўлганлигига гувоҳ бўлиши шарт қилинган. Қози уларнинг гувоҳлигидан сўнггина майитни кўмишга рухсат берган². Бундай ҳолларда Бухоро қозилари ҳадисга кўра ҳукм чиқарганлар. Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Агар бир жойда вабо тарқалганини эшитсангиз, у ерга борманглар. Агар ўзингиз турган жойга вабо келса, у ердан қочиб чиқиб кетманглар!”** деганлар³.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бундай ҳолатлар ўлкамиз тарихида кўп марта учраган ҳамда ҳукумат ва қозилик маҳкамалари тамонидан чиқарилган оқилона қарорларни аҳоли амалда ижросини тامينлаши туфайли бартараф этилган. Хусусан, Сомонийлар, Аштархонийлар, Кепакхон, Абдуҳайрихон даврида тарқалган ўлат сабабидан қозилар маҳкамаларида турли ҳукмлар ижро этилиб, амалда қўлланилган. Бозор ва дўконлар ёпилиб, кўчма бозорлар ташкил этилган. Ўзини соғлом санаган инсонларни вабо чиққан жойдан чеклаш амалга қўйилган⁴. Бундан кўриниб турибдики, юртбошимиз Шавкат Мирзиёев тамонидан Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекциясини кенг тарқалишини олдини олишга доир олиб борилаётган бир қанча чора-тадбирларни амалда ижросини таъминлаш ғоятда муҳим. Зеро, “Мана, бир ярим ойдан ошдики, эл-юртимиз “Уйда қолинг” деган даъватга амал қилиб, юксак жасорат кўрсатиб, ялпи карантин шароитида яшамокда. Оилам, бола-чакам, деб тиниб-тинчимайдиган, эртаю кеч ғайрат билан меҳнат қиладиган халқимиз учун бундай мажбурий ҳолат, албатта, осон кечаётгани йўқ⁵” деб, юртбошимиз бизга юксак ишинч билдирди. Биз ҳам оғир синов кунларида чинакам сабр-тоқат ва масъулият, меҳр-оқибат фазилатларини намоён этайлик. Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқларнинг маънавий мероси қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, қадимий Турон, Мовароуннахр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган. Бошқа ислом диёрлари каби, Бухорога ҳам илк ислом дини анъаналари кириб, маҳаллий кўриниш олган даврларданок ўзларининг баъзи расмий фаолиятларини замон шароитларидан келиб чиққан ҳолатда расмийлаштириб борганлар.

ABDULXOLIQ G'JIDUVONIY MEROSINING ISLOM SVILIZATSIYASIGA QO'SHGAN HISSASI

Kamildjanov Muxammadjon Ne'matdjonovich

BuxDU 2-bosqich talabasi

Xoja Abdulxoliq G'ijduvoniylar dunyo hamjamiyati tomonidan o'zining ilg'or demokratik, insonparvarlik, adolat, ilm-ma'rifatparvarlik g'oyalari, din va dunyoviylikni uyg'unlashtirib, eng mashhur bo'lgan Xojagon-naqshbandiya tariqati asoschisi sifatida tarixda o'z nomi bilan buyuk mutasavvif alloma ilm-fan ahliga o'zidan so'ng ulkan ilmiy-ma'naviy meros qoldirdi. Mutafakkirning bizgacha “Risoi tariqat”, “Risoi sohibiya”, “Vasiyatnoma”, “Az guftori Xoja Abdulxoliq G'ijduvoniylar” degan asarlari yetib kelgan. Bu qo'lyozmalar dunyoning bir qancha kutubxonalari saqlanib kelinayotganligi vatandoshimiz qoldirgan ma'naviy merosidan barchamizga faxr va iftixor tuyg'ularini mujassamlashtiradi.

Abdulxoliq G'ijduvoniylar tasavvufiy risolalaridan tashqari, go'zal so'fiyona ruboiylar

¹ Касаллик оқибатида Тошкентнинг янги шаҳар қисмида 417, эски шаҳар қисмида 1462 нафар, жами 1879 аҳоли касалликка чалинди. Улардан 1657 нафари (217 нафар янги шаҳарда, 1440 нафар эски шаҳар қисмида) вафот этишди. Бу кўзғолон Тошкент шаҳрида юз берган бўлса-да, унинг акс-садоси, оқибатлари тутун Туркистон ўлкаси бўйлаб тарқалди.

² Ашроф Манно‘ Каттон. Авлийоту-л-форуқ фи-л-идора ва-л-казо. 2 томлик / Ғолиб Қураший таҳрири остида. – Байрут: Муассасату-л-кутуб ас-сакофийа, 1410/1990.

³ Ушбу ҳадиси шарифга мувофиқ, вабо тарқалган жойга бормаслик, вабо тарқаган жойдан қочиб чиқмаслик зарур бўлади.

⁴ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. –Т: Ўзбекистон, 2015. –Б. 354.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 29-апрел 2020 йил карантин чекловларини енгиллаштириш бўйича чораларни халққа маълум қилган нутқидан. Маълумот учун қаранг: <https://kun.uz/> сайти.

ijodkori sifatida ham ma'lum va mashhur. Lekin shayx-shoirning badiiy ijod namunalari bizgacha to'liq yetib kelmagan. 1994 yili Tehronda chop etilgan "Ruboiynoma" to'plamidan uning 8 ta ruboiysi o'rin olgan. Xojaning "Vasiyatnoma"sida uning 4 ta ruboiysi keltirilgan. "G'ijduvoniylar ilmiy ahllari xotirasida" risolasida ham uning 5 ta ruboiysi nasriy tarjimasi bilan berilgan. Mazkur ruboiylar yetuk tariqat pirining she'riy salohiyati ham baland bo'lganligidan dalolat beradi.

Bugungi kunda allomaning ma'naviyatimiz tafakkur xazinasiga hadya etgan g'oyalari va asarlari milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari borishimizga xizmat qilmoqda. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimovning tashabbuslari bilan buyuk alloma Abduxoliq G'ijduvoniylarning 900 yillik yubileyi o'tkazilishi munosabati bilan 2003 yilda G'ijduvon shahri markazi hamda Abduxoliq G'ijduvoniylar me'moriy majmuasi qayta ta'mirlanib va atrof hududlari obodonlashtirilgan edi[1].

2017 yil 11 iyul davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev sa'y-harakatlari bilan "Abduxoliq G'ijduvoniylar tavalludining 915 yilligi va Bahouddin Naqshband tavalludining 700 yilligini keng nishonlashga tayyorgarlik ko'rish hamda uni o'tkazish to'g'risida"gi farmoyishlari e'lon qilindi. Farmoyishda buyuk alloma Abduxoliq G'ijduvoniylar tavalludining nishonlashidan asosiy maqsad "butun umrini insonning ma'naviy-ruhiy kamoloti yo'lga bag'ishlagan buyuk vatandoshlarimiz Abduxoliq G'ijduvoniylar tavalludining 915 yilligi va Bahouddin Naqshband tavalludining 700 yilligi munosabati bilan ulug' allomalarning hayoti va faoliyatini, ular qoldirgan boy ilmiy-diniy merosining gumanistik mohiyatini chuqur o'rganish, shu asosda xalqimizni, ayniqsa, o'sib kelayotgan yosh avlodni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash"[2].

Xoja Abduxoliq G'ijduvoniylarning ta'limoti jahonga shuhrat qozonishiga sabab uning umumbashariy mohiyat kasb etganligidan dalolat beradi. G'ijduvoniylar tariqati solikni jamiyatdan tamoman ajralib qolmasdan, tavakkul ixtiyor etib, xalq bilan birga bo'lish va o'z kuchi bilan halol mehnat qilishga da'vat etadi. Ushbu ta'limot talabi shundayki, solik mehnat jarayonida, suhbat va safarda "zohiran xalq birla, botinan Haq birla bo'lib, o'z tirikchiligi ta'minotini boshqalardan tilamay, o'z harakati bilan qo'lga kiritin. Bu eng halol va hurfiy maslak edi.

Uning shartlariga shoh ham, darvesh ham rioya etish imkoniga ega bo'lgan. Bu ta'limot o'z mohiyatida dunyoviylik bilan ilohiylikni muvofiqlashtira olgan. Milliy istiqloq mafkuramizdagi "Dunyoviylik - dahriylik emas" g'oyasi o'z ildizlari bilan ana shu mohiyatga borib bog'lanadi. Mazkur maslakdagi kishilar tirikchilik tashvishlari, san'atu hunar mashg'uloti, dunyo ne'matu mehnatlaridan qo'l uzmaganda Oллоh bilan do'stlashish baxtiga muyassar bo'lganlar.

Tasavvuf tariqati borasida ham Xo'jayi Jahon Abduxoliq G'ijduvoniylar o'z mustaqil fikru aqidalariga ega edi. Xo'jayi Jahon solikning ruhiy ma'naviy bosqichlarini quyidagilardan iborat qilib quygan: 1. Tavba. 2. Irodat. 3. Muridning shayxga ehtiyoji. 4. Zikr. 5. Halollik. 6. Xaj martabasi. 7. Darveshlik odobi. 8. Zuhd. 9. Allohni tanish, 10. Nafs sifatleri. 11. Qalbning salomatligi. 12. Sabr va rizo. 13. Muroqaba va musohaba. 14. Muhabbat va sidq. 15. Taslim va tavfiz. 16. Shukr za tavakkul. 17. Alloh Taoloning ma'rifati. 18. Ixlos va riyo. 19. Ilohiy axloq. 20. Mushohada. 21. Hirqa ma'nosi. 22. Kechki ibodat. 23. Yo'l masalasi.

Abduxoliq G'ijduvoniylar qarashlari insonlarni xalq manfaatlari yo'lida xizmat qilishga chaqiradi. Agar odam bu ishga qodir bo'lmasa, o'z yukini xalq ustiga tashlamay, biror kasbni egallab, halol mehnat bilan kun ko'rishi kerak: "Rashaxot" muallifi "Dil ba Yoru, dast ba kor", ya'ni "Qalb Allohdayu, qo'l ishda," shiorini birinchi marta Abduxoliq G'ijduvoniylar aytganligini isbotlagan[3].

Abduxoliq G'ijduvoniylarning ma'naviy-axloqiy ta'limotining asosiy negizini quyidagi asosiy g'oyalar tashkil etadi:

faqir qashshoq kambag'allar, muhtojlarni qo'llab-quvvatlash, ularga rahm, mehru-shafqat qilish;

Ommaning zahmatu ranjlarini, mashaqqatini yengillashtirish;

uzun kun xonaqoda o'tirmasdan, hamisha insonlar bilan birga bo'lishni maslahat beradi.

Xojagon-naqshbandiya ta'limoti shu jihatlari bilan xalqqa yaqin tarzda shakllangan, elning barcha toifayu tabaqalari orasida keng yoyilgan, jahonshumul mohiyat kasb etgan.

Biz yuqoridagilardan kelib chiqib, alloma ilmiy faoliyatini o'rganish va uni hayotga tadbiiq

etish yuzasidan quyidagi taklif va tavsiyalarni ishlab chiqdik:

Birinchidan, Abduxoliq G'ijduvoniylar va Bahouddin Naqshband hayoti va ijodiga oid hujjatli film suratga olish;

Ikkinchidan, Abduxoliq G'ijduvoniylar va Bahouddin Naqshband hayoti, faoliyati, ilmiy merosiga oid xorijiy mamlakatlardagi qo'lyozma manbalar, ilmiy tadqiqotlar va adabiyotlar haqidagi ma'lumotlarni jamlash va nashr ettirish;

Uchinchidan, Abduxoliq G'ijduvoniylar va Bahouddin Naqshband ta'limotining asosi bo'lgan mehnatsevarlik, vatanparvarlik, ilm-ma'rifatga intilish, mehr-oqibatli bo'lish g'oyalarini yosh avlod o'rtasida keng targ'ib qilish;

Xulosa qilib aytganda, G'ijduvoniylarning tasavvufiy qarashlaridagi ma'naviy-axloqiy fikrlar va insonparvarlik g'oyalari, bugungi kunda kuchli fuqarolik jamiyatini shakllantirishda, yosh avlodni tarbiyalashda muhim omil sifatida xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. "Abduxoliq G'ijduvoniylar tavalludining 900 yilligini nishonlash to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2002 yil 4 dekabrda 423-sonli Qarori. <https://lex.uz/uz/>

2. "Abduxoliq G'ijduvoniylar tavalludining 915 yilligini va Baxouddin Naqshband tavalludining 700 yilligini nishonlashga tayyorgarlik ko'rish hamda uni o'tkazish to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoyishi, № F-4988, 11 iyul 2017 yil.

3. Abduxoliq G'ijduvoniylar. Maslak al-orifin. №2080.-B.176.

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН УЛКАН ҲИССАСИ

Эргашова Зарнигор Тўхтамурот қизи – Фарғона давлат университети

Юртимиз қадимдан илм-фан ва маданиятнинг ўчоғи бўлиб келган. Хусусан, заминимизда камол топган алломаларнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улар олиб борган илмий изланишларда инсон руҳиятининг маънавий юксакликка интилиши, тинчлик-фаровонлик, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик, яратувчанлик, юрт ободлиги каби эзгу ғоялар мужассам. Дарҳақиқат, бизнинг маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолганлиги тасодифий эмас. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари фақат олимлар ва санъат ихлосмандлари учунгина эмас, балки тарих ҳамда маданий меросимиз билан қизиқувчилар учун ҳам зиёратгоҳга айланган. Ватанимизнинг нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани халқаро миқёсда кенг тан олинмоқда. Бу қадимий ҳамда табаррук заминда буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган нодир қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, психология, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг илмий, тарихий ва фалсафий мероси, уларнинг замонавий илм-фанлар шаклланиши ҳамда ривожланишига қўшган улкан ҳиссасига оид масалаларни эътироф этмоғимиз мақсадга мувофиқ.

Мозийга назар солсак, ўтмишда илм-фан қанчалик гуллаб-яшнаганлигига амин бўламиз. Қатор мадрасалар ташкил этилиб, уларда ёшларнинг турли билимларни чуқур эгаллашларига алоҳида эътибор қаратилди. Мирзо Улуғбек асос солган астрономия мактабида оламшумул кашфиётлар амалга оширилдики, бу соҳа ривожига улкан бурилишларни бошлаб берди. Мирзо Улуғбекнинг "Зижи жадиди Кўрагоний" деб номланган илмий асари астрономия, шунингдек, математика фанини ўрганишда нодир қўлланмадир. Асар муқаддима ва тўрт мақоладан иборат бўлиб, уларда юқоридаги фанларнинг энг муҳим жиҳатлари илмий хулосалар билан асослаб берилган. "Зижи жадиди Кўрагоний"да келтирилган чизмалар жуда ихчам бўлганидан, уларга асосланиб турли катталиклар